



«Совет Ўзбекистони»

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 202 (20. 769)

1990 йил 5 сентябрь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг ФАРМОНИ

ЖУМҲУРИЯТ ЁШЛАРИНИ АРМИЯГА ЧАҚИРИШНИ ВА УЛАРНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳақиқий ҳарбий хизматга қақарилаётган Ўзбекистон ССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, уларнинг оилалари манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, жумҳурият ёшларини ҳарбий хизматга қақариш ва хизматни ўташни такомиллаштириш мақсадида:

1. 1990 йил кузги қақариқдан бошлаб жумҳурият йигитларини Ўзбекистон ССРдан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига қақариш тўхтатилади.

2. Бундан буён ёшларни СССР Қуrollи Кучларига жумҳурият ҳукумати тегишли Иттифоқ идоралари билан тузадиган шартномаларга мувофиқ қақариш мақсадида мувофиқ деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши 1991 йил баҳорги қақариққа қадар тегишли Иттифоқ идоралари билан қақариловчилар сонини, уларнинг ҳарбий хизматни ўташ шартларини, уларнинг ҳавфсизлиги ҳамда муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иктымол жиҳатдан ҳимоя қилинишига кафолатларни белгилаб бериш шартномалар тузсин. Қақариловчиларнинг ҳарбий қисмларга кузатиб бориш ва уларнинг доимий истиқомат жойларига қайта кўзда тутилсин.

Тинч даврда ҳарбий хизмат бурчини бадиш чоғида ақаси ҳалок бўлган йигитлар, муддатли ҳарбий хизматга қақариш таққисин.

3. Шикаст етиши натижасида ҳозирги вақт-ногирон бўлиб қолган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлганларнинг

оилаларига жумҳурият маблағи ҳисобидан қўшимча нафақа белгилансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши мазкур қўшимча нафақаларни ажратиш тартиби ва шартларини тасдиқласин.

5. Ушбу Фармоннинг 1, 2, 3-бандларининг бақарилишини таъминлаш, шунингдек, армияга қақариловчилар ҳарбий хизматни ўташида конституцион нормаларга сўзсиз риоя қилиниши учун тегишли идораларнинг маъсулиятини ошириш мақсадида:

Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссариатига жумҳурият идораси мақоми берилсин;

Тошкент вилоят ҳарбий комиссариатини ташкил этиш учун жумҳурият бюджетидан маблағ ажратилсин.

Жумҳурият ҳарбий комиссариати тўғрисида Низоми Ўзбекистон ССР Олий Совети қўриб чиқиши учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши армияга қақарилиш ёшидаги йигитларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, қақариқ комиссариатда қатъий табибий назоратни таъминлаш ишларини ташкил этиш учун қўшимча равишда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари лавозимини жорий этсин ҳамда Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш министрига, вилоят ички ишлар комиссариати ва Тошкент шаҳар ички ишлар комиссариати соғлиқни сақлаш бошқармалари (булимлари)га биттадан штат ажратсин.

7. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Кенгаши, вилоят ички ишлар комиссариати ва Тошкент шаҳар ички ишлар комиссариати қасаба уюшмалари ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистон ССРдан қақарилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга

оталиқ қилиш ишларини кучайтирсинлар.

Жамоатчилик, уруш ва меҳнат ветеранлари вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, бадий ҳаваскорларнинг ҳарбий бўлиналарга мунтазам бориб туриши ташкил этилсин, жумҳурият ҳаётини ёритувчи китоблар, даврий нашрлар, кинофильмлар юбориб турилсин.

Офицерлар составини тайёрлаш мақсадида туёб миллатга мансуб йигитларни таллаш ва уларни ҳарбий ўқув юрталарига юбориш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилсин.

8. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши қўйи ҳарбий комиссариатларни ўзбек тилини ва мазкур жойда яшовчи аҳоли кўпчилигининг тилини биладиган ходимлар билан мустаҳкамлашда жумҳурият ҳарбий комиссариатига зарур ёрдам кўрсатсин.

9. Ўзбекистон ССРдан сайланган СССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитетлари ва комиссиялари СССР Олий Советида бўлажак ҳарбий ишлохот лойиҳасини қўриб чиқиш чоғида жумҳурият манфаатлари ва мамлакатнинг муҳофаза қилинишига асосланиб, фаол иштирок этсинлар.

10. Оммавий ахборот воситалари қисмларда ҳарбий интизомни бузиш фактларини ва айбдорларга нисбатан қўрилган чораларни кенг ёритсинлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 4 сентябрь.

ТЕРИМЧИЛАРГА ҚАНЧА ҲАҚ ТЎЛАШ КЕРАК?

Уруғлик пахта етиштиришга ихтисослашган Энгельс номи колхоз пахтакорлари Фарғона вилоятининг Ленинград районига биринчи бўлиб ҳосилни оммавий равишда теришга киришдилар.

«Пахта мавсуми»нинг дастлабки кунлариданоқ юзлаб теримчилар ўртасида меҳнат раёбати бошланиб кетди. Энг яхши теримчилар — Т. Ҳамдамова, Х. Маматова ва бошқалар ҳар кун колхоз хирмонига 100—110 килограмдан аъло сифатли пахта топиришмоқда.

Колхоз бошқаруви ҳар бир килограмм пахта учун 21 тийиндан ҳақ тўламоқда. Бу жумҳурият ҳукумати белгиланган бироз камроқ. Қолган 4 тийинни мавсумий болалар боғчаларининг энгалари ва тарбиячилари, ошпазлар, хирмонда ишлаётган колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун олиб қолнишга қарор қилинган.

(ЎзТАГ мухбири).

Меҳнат учун шу тарзда ҳақ тўланганида ҳўжаликлар қиладиган қўшимча харажат 298 миллион сўм бўлади. Бу харад нархларига қўшимча устама ҳақдан меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ажратиладиган маблағнинг атиги 53 фоизини ташкил этади. Демак, ҳўжаликларда мавсумий болалар боғчалари тарбиячиларига ва пахтакорлар меҳнатини таъминловчи бошқа ходимларга ҳақ тўлаш учун яна анчагина маблағ қолади.

Шундай экан, ҳўжаликлар пахта терими учун тўланадиган ҳақ миқдорининг оширилишидан ҳеч қандай зарар кўрмийди. Аксинча, теримчиларнинг моддий манфаатдорлиги етиштирилган бутун ҳосилнинг ўз вақтида ва сифати билан олиниши гарови бўлади. Вақолонин, бу ҳам қўшимча даромоддир.

Бундан ижара жамоалари ҳам зарар кўрмийди. Чунки шартномада белгиланган ҳўжалик ички ҳисоб-китоб нархларига қўшимча устамалардан олинган қарзининг 70 фоизини қўшилиди.

(ЎзТАГ).

МАНФААТДОРЛИК — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

ҚАДРЛИ ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИ!

● Пахта йиғим-терими кун сайин авж олмоқда. Терим суратининг ошувида Ўзбекистон ССР ҳукуматининг машинада терилган бир тонна маҳсулот учун 10 сўм, қўлда терилган бир килограмм тоза пахтага 25 тийин ҳақ тўлаш ҳақидаги қарори муҳим омил бўлаётир.

● Қатор ҳўжаликлар механизатор ва теримчиларга ҳақ тўлашнинг қўшимча имкониятларини ҳам топишмоқда.

● Пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги ошуви уларга ҳосилни хашарчилар, талаба ва мактаб ўқувчиларини теримга жалб этмай, даладаги «оқ олтин»нинг ҳаммасини ўз кучлари билан тез ва соз йиғиб-териб олиш имконини беради.

● Манфаатдорлик самарадорлик гарови.

дир. Маҳаллий партия, совет органлари, ҳўжаликларнинг раҳбарлари пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган энг муҳим тадбир — меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш эҳтилоинини унутмасинлар.

ТОЛМАС БИЛАКЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР, ЗАВАРДАСТ МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

Залворли меҳнатингиз билан дала-ларимизда мўл ҳосил етиштирилди. Ўз-юртимиз риску насибаси — «оқ олтин»нинг бир миқдорини ҳам ноубуд қилмай йиғиб-териб олиш Сизнинг ғайрат-шиқоятингиз, тadbиркор ва ташаббусдорлигингизга боғлиқ.

ҲИРМОНИНГИЗГА БАРАКА, АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!

Муштарийлар диққати

«Совет Ўзбекистони»га обуна бўлишни унутмадингизми?

АЗИЗ ГАЗЕТАХОНЛАР!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойларида бўлаётгани каби жумҳуриятимизда ҳам 1991 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна қабул қилиш қизғин бошлаб юборилди. Ушбу тадбирни тез ва соз ўтказиш, сизларнинг қимматли вақтингизни тежаш мақсадида «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ўз ўқувчилари учун тайёр обуна варақасини саҳифада босиб, тарқатишни лозим топти.

Газетчон бу билан ҳам вақтдан ютади, ҳам обуна варақасини излашдан қўтилиди. Унинг бошқа яна бир фойдали томони ҳам бор. У шундан иборатки, обуна варақаси учун ишлатилган қозғоқ тежаллади. Энг муҳими, «Союзпечать» агентликлари ва алоқа бўлимларида расмийлаштирилган обуна варақаси тайёр ҳолда газетчонга етиб боради. Уни қайчи билан қирқиб керакли ўринни тўлғашини учун бор-йўғи бир неча дақиқа қийон, холос.

Обунага газетчон ўртоқ! Қўлай имкониятдан ўз вақтида фойдалангиз.

Обуна варақасини тўлғашда қайси ойлар учун газета олинмиши ҳақида рақамлар остига «Х» белгиси қўйишни унутманг.

РЕДАКЦИЯДАН: мабодо жойларда обуна варақаларини расмийлаштиришга монелик қилсан, дарҳол «Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳарриратини ёки ис-

тиқомат жойи бўйича вилоятлардаги мухбирлик пунктларимизни огоҳ этишларингизни илтимос қиламиз.

ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИЛАР!

Хабарингиз бор: барча газета ва журналлар қатори 1991 йилдан бошлаб «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг ҳам баҳоси ошди. Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси — 17 сўм 40 тийин, ярим йилга 8 сўм 70 тийин, уч ойга — 4 сўм 35 тийиндир. Очиги, бошқа газета ва журналларнинг нархи ҳам солиштирилганда бу унчалик қиммат ҳам эмас. Аслини олданда газетамизнинг бир йиллик обуна баҳоси 20 сўм 48 тийин бўлиши керак. Нафрийт сиз, муштарийларга енгиллик яратиш мақсадида оладиган даромадининг 15 фоизидан воз кечиб, газетани бирмунча арзонлаштириди.

Обуна 1 сентябрда бошланди, у бор-йўғи икки ой, яъни 1 ноябргача давом этади.

Обуна «Союзпечать»нинг барча идораларида, алоқа бўлимларида, корхоналарида, ташкилотларида, колхоз ва совхозларида, шунингдек, почта-телеграф ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Вақт ўтиб борапти. Ўйлаймики, сиз илгаридек бу йил ҳам семили газетанингиз бўлиши «Совет Ўзбекистони»га ёзилгани унутмайсиз.

АГРАР СЕКТОР: ИҚТИСОДИЁТ ЭКОЛОГИЯГА МУВОФИҚ БЎЛСИН

мон фондининг аҳоли... эмоллашди. Ахборотлардаги таъриф рақамлар орасида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш чораларининг бутунлай йўқлиги, ўсимликлар қийратиб юборилаётганлиги, тулпор шўрлаётганлиги ва бошқа салбий жараёнлар яширинган эди.

Бу жараёнлар шунинг учун ҳам ўз бердики, ўрмон ҳўжалигида раҳбарларнинг бўйруқбозлик-мамуриятчилик услуби ҳамона тутатилмаган. Ҳўжалик раҳбарларининг атиги 39 фоиз, ўрмоншуослардир. асосий ўрмон мутахассислари орасида эса бундан ҳам камроқ. Қўйи бўғидаги ходимлар билан боғлиқ вазият ҳам яхши эмас.

Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, зараркунадаларга қарши курашнинг биологик усули билан боғлиқ ишлар яхши ташкил қилинмаган. Ўрмонларнинг ёнидан, ўзбошимчалик билан кесилган, молларнинг пайхон қилишдан сақлаш ёмон аҳволда, табиий дарахтзорлар, ўтқазилган қўчатлар ноубуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Бунинг устига тармоқнинг иктымол ри-вожланиши бошқа тармоқларга нисбатан жуда паст даражада.

«Ўзбекистон ўрмони» дастури ана шу муаммоларни ҳал этишнинг 2006 йилгача мўлжалланган йўлларини

ҳамма турлари 67 минг гектарни ташкил этади. Ана шу ва бошқа эҳтиёжлар учун сарможа ҳажмининг икки баравар кўпайтириш талаб қилинади. Келгуси йилдан бошлаб ўрмон ходимлари сонини ҳам икки баравар ортади.

Дастурда тармоқ самарадорлигини муттасил кўпайтириб бориш кўзда тутилган. Беш йилликнинг охирига бориб товар маҳсулот етиштириш бир ярим баравар, мева етиштириш — 1,3 баравар, ёнғоқ етиштириш — бир ярим баравар, асал етиштириш икки баравар кўпайтирилади. Бу эса ўрмондан ҳўжалик мақсадларида фойдаланишда олинган даражани икки баравар кўпайтиришга имкон беради.

Орол деңизининг қўриб қолган қисми ва Оролбўйини, саҳроларини ва тоғ ёнбақирларини мелiorациялашга катта эътибор берилган. Ана шу ва бошқа масалаларни ҳал этишга Ўрта Осиё ўрмон ҳўжалиги йлмий тадқиқот институтининг олимлари жалб этилади, келгусида эса чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Иқтисодий ҳамкорлик соҳасида хорижий фирмалар билан шифобахш хом ашёни дастлабки қайта ишловчи, қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий савҳатчиларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ов қилишларини уюштириш учун базалар қуриш кўзда тутилди. Бу эса тармоқнинг моддий-техника

ликларни зараркунадалардан, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишининг кимёвий воситалари кенг қўлланиладиган бўлиб қолди.

Афсуски, ана шу воситаларни ҳақдан ташқари ва нотўғри қўлланиш оқибатида Орол деңизининг қуриши билан боғлиқ экология таълиғи таъин ҳам чиғаллашмоқда, атроф-муҳитнинг булғаниши эса хатарли даражага етди.

Бунинг сабабларидан бири ҳўжаликларда химиялаштиришнинг замонавий пунктлари ва заҳарли дориларини сақлайдиган замонавий омборларнинг йўқлигидир. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигини химиялаш жумҳурият бирлашмасининг темир йўл бўйларида базаларнинг йўқлиги аҳолини чигаллаштирмоқда. Жумҳуриятта келтирилаётган кимёвий ўғитларнинг армиядан кўпроғи темир йўл бўйларидаги очиқ майдонларга тўкилмоқда. Жинзаб вилотида 200 минг тонна ўғитнинг ҳаммаси худди шу «усул» билан гамланмоқда. Ёғин-сочин бу ўғитнинг бир қисмини ариқ ва зовуларга оқизиб, атроф муҳитни баттароқ булғатмоқда.

Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўғитларни сақлашнинг аҳоли бундан яхши эмас.

Омборларнинг йўқлиги фақат экология вазиятига эмас, кимёвий воситаларни

қўлланишининг иқтисодий самарадорлигига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Шунини айтиш қийоқки, йўзга солинган ўғитнинг деярли 40 фоиз ҳосилга таъсир қилмайди, қолғуки улар харажат қаторига кириди.

Тулпорқини текшириш натижалари жумҳуриятнинг кўп районларида унумдорлик камайиб бораётган шаклда деҳқончилик қилинаётганлигини кўрсатмоқда. Сўнгги йилрми йил ичида тулпорқини тумус (чириди) молдори 1,1 фоизга тушиб қолди. Бу бутун мамлакатимизда энг паст кўрсаткичдир. Ҳозирги вақтда пестицидларни сақлаш ва улардан фойдаланиш энг ўткир масала бўлиб турибди. Пестицидларни, шу жумладан гербицидларни, дефолиантларни ва олтингурутги дориларни сарфлаш сўғориладиган ҳар гектар ер ҳисобига 11,6 килограммга етди. Шу билан бир вақтда ўсимликларни ҳимоя қилиш биологик усулнинг имкониятларидан етарли фойдаланилмагани.

Нихоят, комиссияда учинчи масала сифатида яқини қилинганда овоз чиқариб айтилаётган масала муҳокима қилинди. Бу жумҳуриятда виночиликнинг ҳозирги аҳоли ва уни ривожлантириш истиёболлари тўғрисидаги масалалар.

Сўнгги беш йил ичида ичкиликбозликка қарши тадбирларни амалга оширишдаги ортқичаликлар натижасида жумҳуриятда узумчилик ва виночиликка катта зарар етганлиги таъкидланди. Янги тоқзорлар барпо этиш ва эски тоқзорларни янгилашга маблағ сарфлаш тўхтатиб қўйилди, узумнинг нобоб навлари йўқолиб кетди, ҳосилдорлик кескин камайди.

Натижада ўтган йили 1984 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш деярли 1 миллиард сўмлик қисқарди, бюджетга ажратмалар эса 4,4 миллиард сўм камайди. «Мадера», «Херес», «Алеатико» ва бошқа винолар тайёрлаш тўхтатиб қўйилди. Вино тайёрланадиган маҳсулотларнинг ундан икки қисми ярим тайёр маҳсулот сифатида жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилмоқда.

Ҳозир «Ўзбекистон» жумҳурият бирлашмаси виночилик санатини тиклаш ва унинг ишини тўзган яхшилаш учун ташкилий ва техник таъбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирларда узумнинг қимматбаҳо винобоб навлари майдонларини кўпайтириш, узумни қайта ишлаш ва сақлаш ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва бошқа кўпгина жиҳатлар кўзда тутилган.

Виночилик санатинини қайта тиклаш ва унинг ишини тўздан яхшилаш дастури умуман жумҳурият учун ҳам, деҳқончилик-сановат комплекси учун ҳам катта иқтисодий ва иктымол аҳамиятга эга.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ПУДРАТ САМАРАСИ

Чортоқ ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» боғ-ушумчилик совхозининг Т. Боймирзаев бошлиқ бўлиб соҳибкорлари боғларда мўл ҳосил етиштирилди.

А. АСРОРОВ.

ИЗЛАНИШ

Поп районидagi Халқобод йотқичма материаллар фабрикасида халқ истеъмоли моллари тайёрлайдиган маҳсулот қизил бошлар, Ҳозир бу ерда 10 та тивучилик машинаси ўрнатилган бўлиб, уларда халқдорлиқ маҳсулотлар тайёрлаб чиқаришмоқда. Болларбоп икким-кечаклар кўп-лаб тайёрлана бошлади. Кейинги икки ойнинг ўзига 36 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилиди.

Бу фабрика азаматлари хом ашё етказиб бериш участкалари фаолиятини конвейер усулида ишлашга ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Бу соҳадagi ишлашлар дастлабки самараларини берди. Ўтган йили кимёвий ашёларни станциядан цехларга узатиб берадиган тармоқ ўрнатилди.

Ш. ИНОМОВ.

«Хўжабод» ХУМДОНИ

Жамоа ҳўжалиги янги онла-лардан кўпчилигига уй-жой куриш учун ер ажратиб берди. Лекин иморат солиш учун бинокорлик материаллари топилишининг ўзи бўлмайди. Бунинг обдон муҳофаза қилган ҳўжалик раҳбарияти дурдогорлик, уй-жой куриш, ёғоч ва гўла тилиш, хом гишт тайёрлаш ширкатлари ташкил қилди.

Энг муҳими, бу ерда гишт тайёрлаб чиқарадиган хумдон ҳам фойдаланишга топирилди. Ҳўжаликнинг ўзига янашқ гишт тайёрлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш янги иморат қураётганларга қўлайлик туғдирмоқда. Бу ишда мутаассад бўлган Ҳайитбой Мамыров елиб-югуриб ишлади. Натикда хумдонга зарур бўладиган асбоб-ускуналар қўшим Ленин районининг Карл Маркс номи жамоа ҳўжалигидан сотиб олинди.

Хумдон 20 иш кунда жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди. Корхона ойнага 30 минг дондан икки гишт ишлаб чиқаришмоқда.

М. РАҲМОНОВ.

Москва районидagi «Хўжа-бод» жамоа ҳўжалиги.

ҚИРҚИШ ЧИЗИМИ

ҚУЛАЙЛИКДАН ФОЙДАЛАНГ

Ф. С. П-1											
Министерство связи СССР «Союзпечать»											
АБОНЕМЕНТ на газету 64583											
"Совет Ўзбекистони" (индекс издания)											
(наименование издания) (Качество комплектов)											
на 1991 год по месяцам:											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Куда											
(почтовый индекс) (адрес)											
Кому											
(фамилия инициалы)											
ДОСТАВочная КАРТОЧКА											
п. в. место на газету 64583											
"Совет Ўзбекистони" (индекс издания)											
(наименование издания)											
Стоимость	подписки	руб.	коп.	Качество комплектов	подписки	руб.	коп.	Стоимость	подписки	руб.	коп.
на 1991 год по месяцам:											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Куда											
(почтовый индекс) (адрес)											
Кому											
(фамилия инициалы)											




Истеъдодли мусаввир Темур Саъдуллаев мўйқаламига мансуб асарлар миллий чиғирларга бойлиги, ўтмиш ва бугунги куннинг ўзаро муносиб уйғунлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унинг асарлари Бутуниттифоқ кўргазмаларида ҳам муваффақиятли намойиш этиб келинмоқда. Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Урозов ва номиди механика институтини за-

лида Т. Саъдуллаевнинг янги асарлари кўргазмага қўйилди.

Суратларда: СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси Т. Саъдуллаев рангтаъсир санъати мўҳлислари билан суҳбатда. Раққоса портрети. «Ўзғунома» эпоси асосида ишланган сурат.

Р. НУРИНБОВЕ суратга олган.



СПОРТ

БИРИНЧИ ЛИГА:
ПЕШКАДАМ УЗГАРДИ

Мамлакат чемпионатининг 29-тур ўйинлари якунида. Бу учрашувлардан кейин кўпдан бери пешадамлик қилиб келатган Владимирова спартакчиларнинг имконияти бой беришгани кўзга ташланди. Бу команда навбатдаги учрашувни «Факел» майдонида (1:1) ўтказиб, қимматли очко қўқотди. Спартакчилар билан бир хил очко тўплаб, мавқеини мустаҳкамлаб турган Запорожчани «Металлург» футболчилари эса Ставрополь динамочилари майдонида (3:2) ғалаба қозониб, пешадамликни кўлга киритишди. Пойтахт темирйўлчилари ҳам бўш қолмади. «Локомотив» ўйинчилари сафига «Жельгирис» футболчиларидан 4 нафари қўшилгани бу командани ҳужумкор ўйинлар ўтказишга имкон берапти. Темирйўлчилар қатор ўйинларда муваффақият қозониб, юқори ўринларга даъвогарлик қилмоқдалар. Ҳал қилувчи давра бошида ўйинлар жадалининг ўрталаридан жой олиб турган бу команда ҳозир олий лигага бериладиган йўлданмадан бирга даъвогарлигини амалда кўрсатмоқда. «Локомотив» — «Кубань» футболчиларини қабул қилиб (1:0), 32 очко билан туртинчи ўринга кўтарилиди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Локомотив» (Н) — «Ктайк» — 2:1, «Ростсельмаш» — «Истру» — 1:0, «Геополис» — «Таврия» — 2:0, «Шинник» — «Тирас» — 2:0.

Ўйинлар жадалининг қўрғини

Металлург	15	8	3	42-17	38
Спартак	15	7	4	52-21	37
Пахтакор	15	4	6	44-28	34
Локомотив (М)	12	8	5	30-17	32
Шинник	13	5	8	37-27	31
Динamo	13	5	8	34-25	31
Истру	9	8	9	28-31	26
Динamo (Сх)	10	5	9	16-21	25
Факел	9	6	11	29-33	24
Нефтичи	8	8	9	24-31	24
Локомотив	8	8	10	25-35	24
Геополис	8	7	11	24-32	23
Таврия	5	13	8	21-24	23
Ростсельмаш	8	6	12	25-38	22
Зенит	7	8	11	28-29	22
Кайрат	7	8	11	27-33	22
Котайк	7	8	11	24-30	22
Тирас	7	8	11	20-35	22
Кубань	6	5	14	14-31	17
Кузбасс	4	5	15	16-32	13

ИККИНЧИ ЛИГА:
ЎРИБОСАРЛАР МАВКЕИ

Шарқий зонага киритилган командалар орасида жумҳуриятимиз футболчилари ҳам муваффақиятли қатнашиб, имкониятлардан етарли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Мавсум охирида биринчи лигага бериладиган кўш йўлданмадан бирини кўлга киритиш имкониётига, дейсиз. Лекин бундай имтиёз учун кураш мurosасиз давом этмоқда. Ўйинлар жадалининг бошида қараётган пешадамлар ўзини тез-тез алмашмоқда. Ҳозирча Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари биринчи ўрини бой бермасликка уринмоқдалар. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни ўз майдонларида «Звезда» командаси билан ўтказиб (2:0), 15 ғалаба, 37 очко билан пешадамлик мавқеини мустаҳкамлашди. Шу ўринга даъвогарлик қилаётган Наҳонанинг «Океан» клубининг «Мелиоратор» коллективлари ҳам бўш қолмади. «Океан» яна бир ғалаба билан очкolarини 36 тага етказди. Чимкентлик футболчилар эса 35 очко билан учинчи ўринга қўтарилишди. Шу ўринда бораётган Наманганнинг «Навбахор» командаси навбатдаги тур ўйинларида дам олиб, 34 очко билан туртинчи ўринга тушишга мажбур бўлди.

Афсуски, мазкур зонада иштирок этаётган 7 командамиздан 4 таси ўйинлар жадалининг охирида поғоналарда бормоқда. Фақат «Сўғдиёна» навбатдаги ғалабани ўз майдонларида «Копидо» коллективи билан ўйинда (1:0) қўлга киритиб, 27 очко билан ўрта поғоналардан жой олишга интилади. Қўқоннинг «Автомобилист» (24 очко), «Зарафшон» (22 очко), «Сурхон» (19 очко) ва андижонлик спартакчилар (9 очко) муҳлислар ишончини оқшашмапти. Сусткашликка йўл қўётган командаларимиз ўзларини ўнлаб, мавқееларини мустаҳкамлашлари учун ҳали вақт боради. Фақат имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, астойдил ҳаракат қилиш керак бўлади.

Х. НОСИРОВ.

Мухаррир
Р. РАҲМОНОВ.

[ЎЗАТ].

Реклама ва эълонлар

ЦЕНТРТТМ
ВОСТОК
ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«ВОСТОК» ЕШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИЖОДИЕТИ МАРКАЗИ

самарали илмий-техникавий ишланмаларини рўёбга чиқаришда ёрдам беради.

«ВОСТОК» ешларнинг илмий-техника ижодиёти маркази танлов асосида марказ ҳузурида ҳужалик ҳисобидаги мустақил илмий-тадқиқот лабораториялари, илмий-техника шўъбаларини, шунингдек, илмий меҳнат маҳсулотларини чиқариш бўйича тажрибавий ишлаб чиқариш участкаларини ташкил этади. Тошкент сарҳадларидан ташқарида ҳам тармоқ фирмалари ҳам тузилиши мумкин.

Барпо этилаётган тузилмаларнинг асосий мақсади ва шарти — эҳтиёж катта бўлган самарали илмий-техникавий ишланмалар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришдан иборат.

Иқтисодий асосланган таклифлар саралаш танловиди имтиёзга эга бўлади.

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, 70. Фўнч кўчаси, 2 «А» уй.

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-15-93.

БИЗ СИЗНИНГ ҲАР ҚАНДА ТАКЛИФ ВА ЛОЙИХАНГИЗИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ТАЙЕРМИЗ!

«ВОСТОК» ЕШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИЖОДИЕТИ МАРКАЗИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«ВАРИАНТ» СОВЕТ — БОЛГАР ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«ИНВАРИАНТ» СОВЕТ — АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«ВОЛНА» ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МУХАНДИСЛИК МАРКАЗИ

ЎРТА ОСИЕ ВА ҚОЗОҒИСТОН ЖУМҲУРИЯТЛАРИНИНГ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС УҚУВ ЮРТУЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИХА ИНСТИТУТЛАРИ, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ 1990 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРДАН 30 СЕНТЯБРГАЧА КОМПЬЮТЕРЛИК ТЕХНИКАСИ ВА ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ «ВАРИАНТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Кўргазмада «ВАРИАНТ» қўшма корхонаси томонидан чиқарилган Ўрта Осие ва Қозоғистон жумҳуриятларининг тил муҳитига мослаштирилган, халқ таълими учун мўлжалланган, шу жумладан клавиатурада компьютер тейинги намуналар намойиш қилинади.

Системалар ва ускуналар намойиши, техникавий ва тижорат мулоқотлари, ҳамкорликка бид битим ва шартномалар тузилиши кўргазма дастурининг таркибига кирди.

Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кўмагида «Правец» (Болгария) микропроцессор техника комбинати вакиллари иштирокида ўтказилади.

Экспозициялар Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бош павильонида, халқ таълими бўлимида (Энгельс кўчаси, 107 уй) жойлаштирилади.

КўРГАЗМА СЕШАНАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КҮНИ СОАТ 10 ДАН 18.30 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Маълумотлар олиш учун телефон: 57-37-21 («Вариант» қўшма корхонаси).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОДИЙ-ТЕХНИКА

ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

ЖУМҲУРИЯТ ТИЖОРАТ-АХБОРОТ

БИРЛАШМАСИ

1990 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДАН 21 СЕНТЯБРГАЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР САРОИИДА

— корхоналар ўртасида маҳсулот етказиб бериш бўйича ҳўжалик алоқалари ўрнатилиш ва шартномалар тузиш; — янги маҳсулот турларидан корхоналар ташкилотлар томонидан реклама қилиниши ва уларга бўлган аҳтиёжнинг шакллантирилиши;

— фойдаланилмайдиган маҳсулот (ўрнатилмаган ускуналар ва иккиламчи ресурсларни ҳўжалик муомаласига жалб қилиш бўйича;

Жумҳурият улутуржи — саноат ярмаркаси ўтказилади.

1990 ЙИЛ 21 СЕНТЯБР СОАТ 11.00 ДА

аҳоли учун ишлаб чиқариш техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлардан

КИМ ОШИДИ САВДОСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмарка ким ошиди савдоси қўйдаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 30-уй (1. 8. 9. трамвайларнинг «Темир йўлчилар саройи» бекати).

Қатнашиш ва жой банд қилиб қўйиш учун талабномаларни қўйдаги манзилга юборилишини сураймиз. 700038, Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 7-уй. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-11-20, 41-32-71.

Ўзбекистон ССР

Маданият вазирлиги

А. КОДИРИЙ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ

МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

«Маданий-оқартув фаолияти назарияси, услубияти ва уни ташкил этиш» нх-тисоси бўйича

қўндаги аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар — 1990 йил 25 сентябргача қабул қилинади.

Қўндаги манзилга мурожаат қилинг: 700104, Тошкент шаҳри, Високословский даҳаси, 3-сектор, 127-«а» уй. Телефонлар: 62-04-63, 62-03-23.

Жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги маъмурияти, партия, касба уюшмаси ташкилотлари фан бошқармасининг бошлиғи Ф. А. Маърупова онаси

Мукаарам

МАЪРУПОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институтини ректорати ёш филологияси ва гигиена кафедрасининг доценти М. А. Маърупова онаси

Мукаарам

МАЪРУПОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистонда Қозоғистон ССР маданияти кунлари бошланди

● Айтишларича, бирор халқни яхшироқ билиб олиш учун унинг қўшиқларини тинглаш керак экан. Ўзбекистонда бошланган Қозоғистон ССР маданияти кунлари программасида аини қўшиқлар анча жой олган.

Тошкент қардош жумҳуриятининг дастлабки элчиларини хушнудлик билан кутиб олди. Чилонзор районидан Улутбек номли боғ меҳмонларга ўз ижодларини, халқ хунарандчилиғи буюмларини намойиш этишлари учун бу ерга миллий маданият марказлари вакиллари ҳам таклиф қилди.

Атракционлари, қўллари, саҳна майдончалари бўлган бу истироҳат тўпаси 22 гектар майдонга жойлашган. Шу кунни бу ерда одам жуда гавжум бўлди. Асосий саҳнада ёш скрипкачилар қўйлар чалишди. Улардан кейин елчилар билан қорейска рақс икром этилди, сўнг ўзбек лирик қўли янгради. Боғга кириладиган асосий дарвоза олдида бу ерга келувчиларни тоқиб созадлар, кутиб олишди. Уйғур мар-

ДЎМБИРА—КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИНИНГ БЕКАСИ

кази ажойиб фольклор номерларини кўрсатди. Унинг ёнгинасида баянчи қувонч татар куйларини чалиб турди.

— Одамларнинг айна шундай бевосита мулоқоти, миллий маданиятлар кўриги ҳар қандай баландларвоз таъридан қимматлироқдир, — деб ҳисоблайди боғ директори Б. Султонов. Бун-

дай байрамлар унинг ташаббуси билан аниъанага айланмоқда. Шундай таъналар бу богда учинчи марта ўтказилмоқда.

— Биз катта байналмилал онла ҳузурига келганимиздан хурсандмиз, — деди Қозоғистонда хизмат кўрсат-

Тошкентдаги қозоқ маданияти марказининг вакили Усен Умироқовдан. «Абади» нарсалар — муҳаббат ва саноат ҳақида, одам қаерда бўлмасин, қадрдон Ула, Ватан кенгликлари унинг учун энг азиз тушунчалар бўлиб қолавериши тўғриси-

гистлар, Бутуниттифоқ ва жумҳурият конкурсларининг лауреатлари ҳам самимий кутиб олинди. Учрашув иштирокчиларидан бири — Оққўл Меербеков учун тошкентликлар ҳузуридаги чиқиш ўзига хос ижодий ҳисобот бўлди. Чунки у шу шаҳарда мусикий таълим олган эди. Олмаотада бўлиб ўтган «Осиё овози» халқаро конкурс-фестивалида эса у совринли ўринни эгаллади.

Қозоғистонлик дўстларнинг бой программаси СССР Халқлари дўстлиги саройи саҳнасида давом эттирилади. Ўрта Осиёдаги энг катта бу концерт залига қардош жумҳурият санъат усталари тўрт марта концерт бердилар.

Дўстлик байрамнинг мусикий эстафетаси Тошкентдан кейин Ўзбекистоннинг бошқа жойларига ўтади — у Тошкент, Сирдарё, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистонда давом этади. Қозоқ миллий чолгу асоби — дўмбира ўн кун мобайнида концерт заллари ва майдончаларининг бекаси бўлади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,

ЎЗАТ мухбири.

— Болам, бизнинг уруғ етти пуштигача эр кишидан ёлғиз ўғил қўриши мумкин. Катта очанг — менинг чолим гуноҳ иш қилиб қўйган... Оққушга ўқ узган. Воқеа аслида бундай бўлган.

Ўттинчи йилларнинг бошида эллик-олтмиш рўзгор ўрнашган овулда Бейсен, Қосим исмли икки қурдош бўлиб, иккаласи ҳам қур-

эди. Қосим пийда отининг жиловидан тутиб келарди.

Воқеани аниқлаб чол-қамчилар орасида говур-говур кўтарилди. Бирлари «Вой-шүрим» дея юзларига қўйларини босса, бирлари «хай, аттанг, ёмон иш бўлибди» дея бош қўйарди. Одатда овчилар олдига югуриб чиқишга одатланган овулликлар донг қотиб туриб қолишди.

Кейинги воқеалар бутун овулни изтиробга солди. Эшиги олдида ўз оёғи билан етиб келган Қосим ичкарига қириқ-қирмас юзубан йиқилди. Шу-шу тун узоғи оқ уриб аганаб чиққан Қосим тонг отарда жон таслим қилди. Маросимни адо этишга киришган рассоллар қизик гапни айтиб чиқишди. Қосимнинг бутун бадини кўздек-кўздек қўриб кетибди. Бировлар кўз тегибди, дейишса, бошқалар оққушини гуноҳи урди, деди.

Мусибат шу билан тугаб қолмади. Уч ўғил, уч қизи ҳам ўзидан сўнг бирин-кетин оламдан ўтди. Хотини қуйикдан тельо бўлиб қолди. Қўрғулик Бейсенни ҳам четлаб ўтмади. Тўрт ўғлини ерга тоширди. Фақат тўнғинчи саломат қолди. Ушанда юз билан юзлашиб қолган овуқ оқсоқоли Бейсенга қараб «Чирроғи, сизлар оғир гуноҳ қилдинглар. Оққушини отган одам ўнган эмас. Начора, тақдир экан-да. Энди етти пуштингача наслигидан биттадан зинд ўғил тирик қолмайди» деди.

Овуқ оқсоқоли ҳақ гапни айтган экан. Бейсендан ёлғиз фарзанд Умрзоқ қолди. Умрзоқ ёлғиз чироқ — умр йўлдошини Серин бўлди. Урпоғини қиз бўлса ҳам бовур-ку! Ўл билан томир бўлсаларинг чироқларинг ўчмайди.

...Энаси ушанда шуларни айта туриб, ҳил-пиладан ети билан қўз ёшларини сидирган эди. Бойқош олти қиз чеварасини этагига олди, ўғил чевара қўриш насиб этмай беш-олти йил муқаддам бандиликни бажо келтирди.

Қўнсулар яна тўрт қиз қўрди. Гигирма йил ўтганда мана, ўғиллик бўлиб турбиди. У бағрида тамшаниб безовта бўлаётган жигарларасига меҳр ва ҳавотир аралаш тикилди. «Чирроғим, қувончим», деди суюб. Қўрағи ийиб, чақалогини бағрига босди. Юзу-қўзларида нур порлади...

юборди. «Баҳор»нинг концертлари бу ердаги янги маданият уйида бўлади.

— Ансамблимизнинг программаси ҳар қанонидан рангбаранг, — дейди «Баҳор» директори К. Бердиев. — Унда кўна классик рақслар ҳам, замонавий хореография композициялари ҳам жам бўлган. Томошбинларга уларнинг ўзлари ақтириб қолган таниш рақслар ҳам, янги рақслар ҳам кўрсатилади. Ансамбль жонанон ўлка бўйлаб саёвгага ўзининг бадиий рақбери — жумҳурият халқ артисткаси Мамура Эргашева билан бирга чиқади.

ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

● Бухоро вилоятининг Пешку районидидаги Варахша шаҳристонини «Сибирда-

ги ғариблар» фильми су-

ратга олинмадиган жойи сифатида танланди.

Бу ишга режиссёр Александр Митта бошчилиқ қилмоқда. Бўлажак лента номини ўзиде Ўзбекистондан узоқда бўлган ерлар акс этишга қарамай, кинематографиячилар ўлкамизга келишди. Бунга фильмининг мазмунини ундади. Картина режиссёри Александр Наумович Митта шундай ҳикоя қилади:

— Фильмдаги воқеалар иккинчи жаҳон уруши йилларида бўлган. Бош қаҳрамон америкалик археологлар бўлиб, улар Эроннинг шимолида қазиб ишлари олиб борадилар. Бу вақтда ана шу ерда совет қўшинлари турган эди. Совет контрразведкаси маълумотларига қараганда, археологлар орасида фашист

разведкачиси бор эди. Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари англоамериканчилик натижасида жосус ўрини олишлардан бирини ўғирлаб кетишди. Ҳато қилганликларини билсалар ҳам ўз айбларини тан олиши хохламайдилар, америкаликка қарши уйдирмалар тўқиб, уни айблайдилар ва олим Сибир лагерларининг бирига тушиб қоларди.

Археологик қазиб ишларининг лавҳалари Варахша шаҳристониде суратга олинмади.

Фильмни «Скек» Англия — Америка фирмаси пул билан таъминламоқда. Фильмдаги ролларни инглиз актёри Энтони Эндрюс билан америкалик актриса Хелена Сикота икром этишмоқда.

Х. НОСИРОВ.

Мухаррир
Р. РАҲМОНОВ.

[ЎЗАТ].

АХБОРОТ

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ РАМЗИ